

Муслима РАҲИМОВА

ЧУСТ ДҶУПИСИ

(Шеърлар)


МАҲБУРИЙ НУСХА

«Наманган» нашриёти
2012 йил.

YDK: 821.512.133-1

84 (5 ~~Ўзб~~) 7 *Ўзб. араб.*

P- 33



*10-40054
0,11*

НТ-----824-2191-1444350-----2012
825 - (1,0) - (12)

ISBN - 978-9943-378-94-5

© «Наманган» нашриёти, «Чуст дўпписи», Муслима Раҳимова.

ЮРТ ТАЯНЧИ

Юртимизнинг таянчи -
Биз навқирон ёшлармиз.
Ахилликда, дўстликда,
Бизлар қоншу кўзлармиз.

Ўзгалардан фарқ қиламиз,
Зукколигимиз ила.
Ҳамиша ғалабага,
Кўнгилда ишонч тўла.

ЎЗБЕГИМ ЎҒЛОНЛАРИ

Туришидан сезилади шижоати,
Мардликдир унинг ҳар доимги одати.
Кулиб боқсин ҳар дам бахту саодати,
Шараф-шонли ўзбегимнинг ўғлонлари.
У ғурурли, бош эгмайди номардларга,
Жонин фидо этади у бу ватанга.
Вақти келса айланади ҳамдардларга,
Шараф-шонли ўзбегимнинг ўғлонлари.
Бир сўзда туради у ҳар дам, ҳар чоғ,
Сўзлардан маъно чиқар бўлиб бир тоғ.
Халқимизнинг дуосила яшасин соғ,
Шараф-шонли ўзбегимнинг ўғлонлари.

ВАТАН

Хар қадами улуғ маскан,
Хар гиёҳи қутлуғ маскан.
Олтин гуллар тупроғида,
Бу бетакрор гўзал маскан.
Жонга ородир боғи,
Кўнгил олар ҳар ёғи.
Жаннат каби роҳатбахш,
Ширин-шакар меваси.
Кўчалари кенг, равон,
Кечалари ёруғдир.
Сувлари маржон-маржон,
Жонажон Ўзбекистон.
Меҳмондўст фазилат ҳам,
Ўзбекларда мужассам.
Спортда ҳам биринчи,
Ўзгага бўлмас қарам.
Нонини улуғ билиб,
Кўзларига суртади.
Нон тугул ушоғини,
Жондан ортик суяди.
Ўзбекистон байроғи,
Доим баланд устундир.
Бу юртнинг келажаги,
Юлдуздайин порлоқдир.

ЮРТИМ

Жаҳон кезган паҳлавонлар бордир сенда,
Сариштали, фариштали сулув қизлар.
Спорт билан шуғулланар қилмай канда,
Фахр билан айтсак арзир ўзбек бизлар.
Далаларда хирмон-хирмон унар бундой,
Бонларингда болдай ширин бор мевалар.
Кслинчакка ўхшайдирсан, очиб чирой,
Ўзгачадир муомала ҳар шевалар.
Бугун сени мадҳингни мен сўзлай, юргим,
Сен ҳақингда мазза қилиб ҳаёл сурдим.
Бошқа халқнинг ресторани-у кафесидан,
Туирофингту гиёҳингни афзал кўрдим.



ЧУСТ ДЎППИСИ

Чоклари майин-майин,
Хар хил унинг нусхаси.
Меҳр кўшиб тикилар,
Чустимизнинг дўпписи.
Осон бўлмаса ҳамда,
Бизлар унинг устаси.
Ажралиб турар хар он,
Чустимизнинг дўпписи.
Агар назар солсангиз,
Йўқдир ҳеч каму кўсти,
Мақташга арзир доим,
Чустимизнинг дўпписи.

ТИНЧЛИККА НИМА ЕТСИН

Кўнгиллар шод, юрт обод,
Ёмон ниятлар кетсин.
Орзу бўлмасин барбод,
Тинчликка нима етсин.
Биздек бахтли инсон йўқ,
Буни дунё ҳам билсин.
Юзда кулгу, кўнгил тўқ,
Тинчликка нима етсин.
Ношукур зот бўлмайлик,
Кўллар дуода бўлсин.
Кўнгилни кенг айласак,
Тинчликка нима етсин.

ЁШЛИК

Ёдингиздами мактабга,
Илк кадам кўйганимиз.
Жажжи кўлчалар ила,
Китоб варақлаганимиз.
Қаранг бугун бир пасда,
Шунча вақт ҳам ўтибди.
Билмай қолдик ёки вақт,
Бизни алдаб кетибди.
Қандай файзли онлар эди,
Биз қадрига етмадик.
Қани эди қайтиб келса,
Уни маҳкам тутардик.
Кўнглим недандир вайрон,
Тўхтамас кўздан ёшим.
Лек бундан бўлманг хайрон,
Соғиндим синфдошим.
Мана бугун насиб этди.
Дийдор кўришиш бизларга.
Диллар ёришиб келди,
Кувонч ёши кўзларга.
Сизнинг борлигингиздан,
Хурсандмиз бенихоя.
Бизга яқинлашмасин,
Ҳеч қандай доғ ва соя.
Барча-барчаси учун,
Аллоҳимга минг шукур.
Эй кадрдон дўстларим,
Сизларга ҳам ташаккур.

ОНАМ

Қалбимдаги дурдонам,
Онажоним яғонам.
Камолимни тилайсиз,
Менга бахтлар улайсиз.
Одобли бўл, Озода,
Умринг бўлсин зиёда.
Бахтли бўлгин доимо,
Дер она бу дунёда.

ЗҶР ҚИЗ БҶЛАЙ

Дуо айланг, онажоним, орауимга етайин,
Бўлди, етар энди, мен ҳам, мақсад сари кетайин.
Кўнглим тлиб кетган куни шеърларимни битайин,
Қараб турсин хали ҳамма албат зўр қиз бўлайин.
Орзу-умидларим учун жонимни ҳам бераман,
Шундай ишлар қилайки, тил тегмасин номимга.
Шерик қилиб юрайин эзгуликни ёнимга,
Шукур айлаб яшайин, хаётда йўқ-боримга.
Қараб турсин хали жаҳон, албат зўр қиз бўлай,
Орзу-умидларим учун ҳатто жонимни берай.

ВАҚТ

Соатга термулиб ҳаёл сурарман,
Нени ҳис этипман, ўзим биларман.
Вақт - бу нима? Нима ўзи, саволлар бисёр,
Жавобин топсам гар англаб борурман.
Бутунлай ҳаёлга кўмилдим бу кеч,
Вужудимни қамраб оларди бир ғам.
Бундай холга тушмагандим умримда,
Мени қийнар эди қандайдир алам.
Ўйладим узоқ вақт: не қилиш зарур,
Ахир ўтмоқда-ку умр бекорга.
Кимнидир ранжитишга бўламан мажбур,
Сўнгра кўз ёшларим етар анҳорга.
Кўнглим садо берар мен томон ҳар дам,
Қадам қўёлмасман у томон ҳеч ҳам.
София, дақиқа, соат ўтмоқда,
Кўз очиб юмгунча ўтар етти кун.
Дардимни дастурхон этганим билан,
Ўзгариб қоларми кўнгил ноласи.
Ғам бошдан оёққа кўмиб қўйгандай,
Кўнгилга сиймайди соғинч толаси.
Шунча яшаб нималарга эришдим?!
Майли, биз оз бўлса-да яйраб кетардим.
Шодон кунларим ёдимга олиб,
Ширин табассум-ла шеърлар битардим.

БОБОМ ХОТИРАСИ

Раҳматига олган бўлсин сизни Худо,
Намоз ўқиб эрта-ю кеч қилгим дуо.
Бобожоним, инсон эдингиз жон фидо,
Сизни мудом қалбимизда асрагаймиз,
Номингизни ширин сўз-ла эслагаймиз.

Айтардингиз куйинибон бизга фақат,
Соғлиқ бўлсин аввалам бор эмас давлат.
Ўйлайманки, борган жойингиз бир жаннат,
Сизни мудом қалбимизда асрагаймиз,
Номингизни ширин сўз-ла эслагаймиз.

Уволдан кўрк, дер эдингиз такрор-такрор,
Яхшиликни сен ўзингга қилгин шиор.
Тўғри яша, бўлгин болам эҳтиёткор,
Сизни мудом қалбимизда асрагаймиз,
Номингизни ширин сўз-ла эслагаймиз.

Ховлидаги тут дарахти сиздан мерос,
Мевалари пишар хар йил қийғос-қийғос.
Бобожоним, соғинч хисси қийнаб бир оз,
Сизни мудом қалбимизда асрагаймиз,
Номингизни ширин сўз-ла эслагаймиз.

Ўргатдингиз бизларга сиз топмоқ кадр,
Тарбияни берган бизга сизсиз, ахир.
Туғилади сиздай инсон дунёда бир,
Сизни мудом қалбимизда асрагаймиз,
Номингизни ширин сўз-ла эслагаймиз.

ЧЕВАР ОПАМГА

Қўллари гул, сўзларида бол,
Ҳар ишда ҳам топасиз камол.
Хуснингиз-да хушрўй ой жамол,
Бахтли бўлинг, азиз опажон.
Ота-онангиз қўлин очиб,
Сизга дилдан бахтларни тилар.
Борган жойда қайнонанингиз ҳам,
Қиздек кўриб бошингиз силар.
Ярашибди оппоқ либосларингиз,
Кўрklar қўшар табассумингиз.
Кўз тегмасин ҳеч бахтингизга,
Равон бўлсин юрган йўлингиз.



ҚАЛБЛАРНИ ТИРНАГАН ХОТИРАЛАРИМ

Кўнгилда бошланар яна ғалаён,
Яна безовталиқ тинч қўймас шу он.
Барчаси кўзларда бўлади аён,
Қалбларни тирнаган хотираларим.
Хамон бу жонимни қайғуга солиб,
Бу ҳам етмагандек тинчимни олиб.
Кетди-ку юрагим хўрликдан толиб,
Қалбларни тирнаган хотираларим.
Юрагимда яшаб ўтли изтироб,
Менга неларнидир қилади хитоб.
Уни жамласам мен бўлар бир китоб,
Қалбларни тирнаган хотираларим.

ОЛТИН КУЗ

Оқшом турсам майин шаббода эсар,
Лол қолдирар сарғайган барглар.
Тўкилади аста секинлаб,
Ибо билан уялиб зарлар.
Нафис нурин таратиб қуёш,
Келади у салом деб гўё.
Унда кўринар юртим тинчлиги,
Заминим тинч, ҳаёт мусаффо.

БОЛАЛИГИМ

Болалигим - шўхлигим,
Хеч ғамлари йўқлигим.
Сени ташлаб кетгим йўқ,
Ўсмирликка етгим йўқ.
Лек иложим қанчадир,
Ихтиёр менда эмас.
Сени ташлаб кетсам ҳам,
Соғинч хисси тарк этмас.

ТОЗАЛИК

Тозалик ҳам бир савоб,
Ёмонликка бор жавоб.
Ҳаромдан қилгин ҳазар,
Дўстларингга сол назар.
Ёмон иллат ифлослик,
Ифлосликдан қоч ҳардам.
Ёмон йўлга кирма ҳеч,
Акс ҳолда бўлади кеч.



ҚАЛБ СЎЗЛАРИМ

Қалб хисларим сўзлай мен,
Азизларим, тингланг сиз.
Чин юракдан сўзласам,
Мақсадларим англайсиз.
Билинг, эй қадрдоним,
Ҳаётнинг паст-баландин.
Ҳаётга бефарқ бўлманг,
Танинг оқ-у қорасин.
Илм олинг, фақат илм,
Бахт эшиги илмдир.
Дуру-гавҳар изламанг,
Ундан фойда кўзламанг.
Ҳар сония вақтингиз,
Устундир ҳар нарсадан.
Эсда тутинг буни сиз,
Чиқарманг ёдингиздан.



МУНДАРИЖА

<i>Юрт таянчи</i>	3
<i>Ўзбегим ўғлонлари</i>	3
<i>Ватан</i>	4
<i>Юртим</i>	5
<i>Чуст дўпписи</i>	6
<i>Тинчликка нима етсин</i>	6
<i>Ёшлик</i>	7
<i>Онам</i>	8
<i>Зўр қиз бўлай</i>	8
<i>Вақт</i>	9
<i>Бобом хотираси</i>	10
<i>Чевар опамга</i>	11
<i>Қалбларни тирнаган хотираларим</i>	12
<i>Олтин куз</i>	12
<i>Болалигим</i>	13
<i>Тозалик</i>	13
<i>Қалб сўзларим</i>	14

Адабий-бадний нашр

Муслима РАҶИМОВА

ЧУСТ ДҶУППИСИ

Муҳаррир:	Нурбек АБДУЛЛАЕВ.
Тех. муҳаррир:	Нўъмонхон ТОШХОЖАЕВ.
Ком. оператори:	Исмоилхон ТОШХОЖАЕВ.
Мусаҳҳиҳ:	Султонхон ХОЖАЕВ.

Теришга 08.06.2012 й. берилди. Босишга 18.06.2012 й.
рухсат этилди. Шрифт гарнитураси Vodo Peterburg Uz.

Газета қоғозига офсет усулида босилди.

Бичими 60x84. 1/16. Шартли босма табоғи 1,25.

Нашриёт ҳисоб табоғи 1,0. Адади 500 нусха.

Буюртма № 271 Баҳоси келишилган нарҳда.

«Наманган» нашриёти. Наманган шаҳри,
Навобий кўчаси, 36. Матбуот уйи. 3-қават.

Нашриёт лицензия рақами AN-156

2009 йил 14 августда берилган

«Чуст босмаҳонаси» МЧЖ,
Чуст шаҳри, Сўфизода кўчаси, 8-уй.